

Агросаноат комплекси: қайта қуриш қандай бормоқда?

ОДАТДА мева-сабзавот, картошка, полиз экинлари ва далада етиштирилаётган бошқа озин-овқат маҳсулотлари ҳақида сўз борганда биринчи галда имкони бори-ча уларни кўпайтириш тўғрисида гапирилади. Бу табиий, албатта. Лекин бу масаланинг бир томони. Яқинда Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхоз-ида область агрорасаноат комитети давлат инспекцияси бўлими ташкил этган семинар-кенгашда бўлганида яна бир энг муҳим масалада ҳалигача жиддий эътибор бермаётганлигини ҳис этдим. Гап давлатга ва аҳолига жўнатилаётган маҳсулотларни сара, сифатли ва беғубор бўлиши ҳақида бормоқда.

1988 йилда лабораториямизда 917 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг намунаси текширилди, — деди семинарда сўзга чиққан область хўжаликни химиялаш лойиҳалаш-қидирув станциясининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати У. Бектурраев. — Уларнинг 93 тасида турли захарли кимёвий дориларнинг қолдиги борлиги аниқланди. 43 турдаги маҳсулотда эса пестицидларнинг миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори нормадан ҳам кўп бўлиб чиқди. Айниқса, бу ҳол Оржоникидзе районидagi «Қиррай» совхози маҳсулотларида, Калинин район «Москва» совхози, Тошкент районидagi Ленин номи колхоз, Навоий номи колхоз далаларида етиштирилган маҳсулотларда ҳаддан ташқари экинлик аниқланди.


НОЗ—НЕЪМАТЛАРДА ОҒУ БЎЛМАСИН!

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилашга бағишланган область семинар-кенгашидан

1988 йилда лабораториямизда 917 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг намунаси текширилди, — деди семинарда сўзга чиққан область хўжаликни химиялаш лойиҳалаш-қидирув станциясининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати У. Бектурраев. — Уларнинг 93 тасида турли захарли кимёвий дориларнинг қолдиги борлиги аниқланди. 43 турдаги маҳсулотда эса пестицидларнинг миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори нормадан ҳам кўп бўлиб чиқди. Айниқса, бу ҳол Оржоникидзе районидagi «Қиррай» совхози маҳсулотларида, Калинин район «Москва» совхози, Тошкент районидagi Ленин номи колхоз, Навоий номи колхоз далаларида етиштирилган маҳсулотларда ҳаддан ташқари экинлик аниқланди.

Тўғрисида жон қўйдиряпти. Амалда эса бунинг акси. Яқинда бизга юқоридан захарли дори-дармонлардан фойдаланиш пиланини нега бажармайсанлар, дейишди. Бунга қандай тушуниш керак? Захар-заҳимни, азотни ишлатиш пилан қачонгача сақланади, ахир. Мутахассиснинг мулоҳазалари нақадар тўғри. Семинар-кенгашда сўзга чиққан «Ташплодоовош» бирлашмаси раисининг ўринбосари М. Хўжаев, Калинин район давлат инспектори А. Каримов, область санитария-эпидемиология станцияси бошврачсининг ўринбосари Н. Зиёвуддинов, облСЭС лабораторанти Т. Шпоненская, республика агрорасаноат комитети мутахассиси М. Дадабоев ва бошқа ўртоқлар ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Оқунбобоев номи колхозининг 9-бригадаси бошлиғи, «Ташплодоовош» и н н г таёрлов идоралари раҳбарлари, мутахассислари ва бошқа бир қатор хўжаликларнинг мутасаддилари қатъий жазоламоқдалар. Афсуски, бу чора тадбирлар ҳам қорқилмапти. — Биз аввало ерга минерал ўғитлар солишни чегараламас эканмиз, бу соҳадаги аҳолини тузатиб бўлмайдим, — деди «Обельсхотхимия» бирлашмаси мутахассиси Колесова. — Ҳозир амалда иш нақадар бўлипти. Биз илқини борича хўжаликларга ажратилган минерал ўғитлар ва пестицидларни қайтариб бормаймиз. Масалан ўтган йил ўғит 9 минг тонна кам олинди. Лекин ўғит ишлаб чиқарувчи заводлар илқини қандай қувват билан ишлаган бўлса, шундай ҳаракат қилипти. Шунинг учун бўлса керак хўжаликларда деҳқонлар ўғитча ўғитлар илқини ерга солишмоқда. Бу билан хўжалик раҳбарларининг илқини бўлмапти. Хулоса шунки, область далаларида минерал ўғитлар илқини қанча миқдорда солганин бўлса, ҳозир ҳатто ундан ортқича



ТОШКЕНТ қаноп фабрикасида хўжалик йилдин яхши яхшиланган унун соғиласи мусобақа тобора авж олаётган. Унда фаол қатнашган тажрибали ишчилар тошириқлари доим ошириб адо этмоқдалар. Ушбу суратларда (юқоридан) шундай илқорлар — қом ашш таёриллаш участкаси илқиси М. Алқиева, оператор А. Дилқиева, ремонтчи-слесарлардан З. Абдурахмонов ва Ф. Дюгайларни кўриб турилибсиз. У. Усмонов олган суратлар.

Советлар ҳаётидан

ШУ ҚУНЛАРДА барча қишлоқ Советлари ўз ишлари СССР ҳалқ депутатлари Съезди талаблари асосида қайта қурмоқда. Ҳалқ депутатлари маҳаллий Советлари ўзининг доимий комиссиялари, депутатлар гуруҳлари билан бир қаторда меҳнат-кашларнинг маҳалла комиссиялари ишларини ҳам ривожлантириш, омганин талаб, истак ва таклифларини амалда оширишда маҳалла комитетларининг роилини янада кучайтириш чораларини кўрмоқда.

Советларнинг илқор ишчиси ҳисобланади. Энди уларнинг оиласига бошқирд қизин Гулфия келин бўлиб тушди. Оилада эса ақсарият ўзбек тилида сўзлашади. Тўйни яхшилаб ўтказиш учун маҳалла комиссияси алоҳида тайёргарлик кўрди. Бу ерда қозоқ, ўзбек, татар ва бошқир халқларининг миллий одатлари омухта бўлган ҳолда чиройли тўй ўтказилди. Вали Ҳидиров жондонига эса рус қизи Людмила келин бўлиб тушганида ҳам эини сўм маблаг акратди. Маҳалла комиссияси эса ана шу маблагни тадбиркорлик билан сарф қилиш чораларини изламоқда.

МАҲАЛЛА КОМИССИЯСИ-ИЖРОКОМ ТАЯНЧИ

айрим кишилар ўртасида содир бўладиган турли келишмовчиликларни бартароф этиш ҳам уларнинг зиммаларига юклатилади. Яқинда Телов қишлоғида истиқомат қилувчи Эратой Нурпесов ўғли Марсин бошқирд қизин Гулфияга уйлантирди. Икки ёшнинг ўғилларини тартибли, камхараж ва чиройли ўтишда маҳалла комиссиясининг аъзолари Зуҳра Абдусаматова, Ойсанам Қаршиева ва бошқалар катта ёрдам бердилар. Шуниси характерлики, қозоқ миллатига мансуб Э. Нурпесов Ворошилов номи совхозда ҳалол меҳнати билан катта обрў қозонган. Унинг аёли, татар миллатига мансуб Венера ҳам шу

Бундай ибратли ишлар Т. Саъдуллоев раислик қилаётган Шовғоз, Инқоболхон Орқолова раис бўлган Бекмуродов аҳоли пунктларидаги маҳалла комиссиялари фаолиятлари ҳам кўзга ташланиб турибди. Маҳалла комиссиялари аҳоли пунктларини ободлантиришга ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Масалан, Айритом қишлоғидаги 44-ўрта мактабдаги аҳоли синф хоналарининг торлиги ва камлиги тўғрисида ҳозирги илқоёт талабаларига мутлақо жаовоб бермас эди. Маҳалла комитетининг аъзолари қишлоқда мактаб учун янги синф хоналари қуриш, унга маблаг ажратиш масаласини ҳалқ депутатлари Телов қишлоқ Совети яқрича

ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА, айниқса, пахтачиликда ҳар бир ишнинг ўз вақти бор. Ана шу вақтдан кечикдингми, ҳосилдан ютқазасан. Урта Чирчиқ районидagi Ким Пен Ха номи колхозининг бригада бошлиғи, кенса деҳқон Холмирова Абдуқодиров бундай бўлишига ҳеч вақт йўл қўймайди. Ҳозир бу бригадада ғўзани суғориш жадал олиб борилапти. Суратда: бригада бошлиғи Х. Абдуқодиров суғви Т. Аҳмедов билан.



А. Суфаров олган сурат.

ЧЕЛОВЕКАРДА МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ШАҲАРЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ

ТОКИО. (ТАСС). Япония пойтахтида 1994 йилнинг башларида очилган катта халқаро кўргазма «Шаҳарларнинг келажаги» деб аталади. Кўргазма тайёргарлик комитетининг аъзоси, ашуучи Т. Сакайя журналистларга ушунга хабар қилди. Токио муниципалитети ушунга иштирок этиш учун келажак шаҳарлари инфраструктурасини бунёд этишда ўз лойиҳалари билан донг қилган жаҳондаги энг йирик қуриш, транспорт, машинасозлик, электротехника компаниялари таклиф этилди. Келажакда бунёд этиладиган шаҳарда атоф-муҳитини булғайдиган саноат корхоналари ва ҳавога захарли газларни чиқариб юборётган автомобиллар бўлмайдим; бўлажак кўргазма ана шундай шаҳар тисолини тасаввур этишга имкон бериши керак. Аслида бу 21 аснинг ҳақиқий шаҳари бўлади. Бу шаҳар кўчаларидан энг атофни илқослантирмайдиган жамоат транспорт ва шахсий транспорт катта тезликда қатнайди, бу ерда яшаш учун жуда қулай бўлган комплекслар бунёд этилади, компанияларнинг турили-туман электроника воститалари, компьютерлар билан жиҳозланган бинолари ҳам ана шу шаҳарда қурилади.

АНТАНАРИВУ. (ТАСС). Мадагаскар демократик республикаси женобидеги Тулиава шайрида бўлиб ўтган совет китоблари кўргазмасида малягазилликларни СССРда юз бериётган илқибойи қайта қуриш жервонлари билан, ошкоралик ва демократиянинг ютуқлари билан таништирди. Экспозицияда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг нутқлари, кейинги партия ануқамаларининг материаллари юлган китоблар ва брошюралар, турли хил сиб-сидеялар, илқий-техника адабиётлари, дерсликлар ва бадий адабиётлар, болалар учун китоблар намойиш этилди.

Италия археологларининг кашфиётлари

РИМ. (ТАСС). Италия олимлари 2000 йилдан бунён деиғиз тубида ётган қўна Рим кемеини ўрганимоқдалар. Италиядаги Эльба оролидан сал нардида икки ҳафтага яқин муддат ишлаган экспедиция эрамиздан илқори биринчи асрда қўчиб кетган ва 1974 йилдагина топилган римликларнинг кемеини қолдиқларини тадқиқ этдилар. Олимлар узунлиги 20 метр-га борадиган кема ичиндаги бир қанча қимматбаҳо буюмларини сува тағидан олиб чиқдилар. Булар орасида Антик Грецияда тайёрланган қўна лампа, шунингдек чорроқ ёвқочдан ясалган ҳайкалчининг бўлақлари бор.

88 ЯШАР ЯПОН АЁЛИ ПИНГ-ПОНГ ЎЙНАМОҚДА

ТОКИО. (ТАСС). Токиолик 88 ёшли аёл Тосицуру Мацуо ҳар гал сафарга отланганда, албатта, стол теннис ракеткасини ҳам олиб кетади. Япониялик ҳарининг фикрича, спорт одамига ҳар доим ҳамроҳ бўлиши керак. Мацуо-Сан «хоним» бундан 14 йил муқаддам пинг-понгга қизиқиб қолган эди. Аввало, машқ олдиридан бир-икки марта ўйнаб, бардам тортишни ўйлаб, эди, чунки ўш кезлар у, алья-хон турнирида қатнашади.

Рим кемеини топилганидан кейин орадан 15 йил ўтди. Шу вақт мобайнида илқосманда говвасилар ва ҳазина қандайдис илқибойилар кемадан анча буюмларини талаб-ташиб кетдилар. Шунинг учун ҳам Италия ҳукумати экспедиция ташкил этишга қарор қилди. Бундан мақсад археологик қимматга молик бўлган барча нарсаларини сува остидан юзюга олиб чиқишди. Бу ишларнинг эининг охиригача тугатиш мўлжалламоқда. Аммо, кема қолдиқлари сува тағида қолиб кетавериди. Чунки, Италиядаги бирорта музей ҳам кемаининг сақланиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё этиб, уни жойлаштириш имкониятига эга бўлмади.

Парижда «ўзгача учрашув» яқунланди

ПАРИЖ. (ТАСС). Дунёдаги «энг қашшоқ» этти халқ вакилларининг ўзгача учрашувини Париждаги «Мюлюлет» залда яқунловчи декларация қабул қилиниши билан тугади. Бу анжуман «ўзгача илқисий йил»ни доирасида халқларнинг ҳуқуқлари ва озолиғи учун курашувчи халқеро уюшма ташаббуси билан ташкил этилган эди, ушбу уюшма етакчи «этти» ва капиталистик мамлакатлар раҳбарларининг учрашувлари билан бир вақтда ҳар йили ўз мамлакатларини ўтказмоқда. «Эти қашшоқнинг ўзгача учрашувини», яъни Бангладеш, Бразилия, Буркина-Фасо, Ганга, Зерил, Мозамбик, Филиппиндаги ноҳукумат ташкилотлар намояндаларининг учрашувини Франция пойтахтида 14—16 июль кунлари бўлиб ўтган жуда ривожланган этти капиталистик мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг набағдаги учрашувига ўзгача хос демократик қарши тадбир бўлди.

ТЕЛ ЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОПЕНГАГЕН. Япониядаги Кутб тадқиқотлари институту Гренландиядан 600 килограмм муз сотиб олди. Ушбу намуналар Гренландия китъа музларининг 200 метр чуқурлиқдаги қатламидан олинди. Институт мутахассислари XVII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган ана шу музларнинг тарихини ва тузилишини ўрганишмоқчи. Муз кристалларидаги молекуларлар ҳаракатининг характери япон олимларини, айниқса, қизиқтирмоқда. Ушбу муз Цельсий бўйича 19—21 даража сувуқ ҳарорат вужудга келтирилатиб ташиб кетилмоқда. БЕРЛИН. 1573 йилда ўз фаолиятини бошлаган энг қўна марта доричилик тарихи музейи очилди. Бундан 400 йилдан кўпроқ вақт муқаддам Котбунда дорихона учун маҳсул қурилган уйда очилган музейга ўтган аслердаги фермацевтика ускуналари қўйилган, музейда жами 3 мингга яқин экспонат бор. Эски китоблар, янги турли даврлардаги доричилик ишига оид маълумотлар музейнинг асосий бойлиғидир. Булар XX асрнинг охирида яшавётган олимлар учун ҳам гоёт қадрлидир. Жами 900 га яқин китоб сақланиб қолган, булар тез орада тикланганидан кейин экспозициядан муносиб жой эгаллайдилар.

БЮССЕЛЬ. Белгиянинг деиғиз қирғоғидаги Остенде шаҳри полицияси ўша нуни кечкурун салмаат асарларининг ҳақиқий кўргазмасини очди, десек арзийди. Шу оқшо мушхур рессонларнинг асарлари Хитойнинг ичинда кимматбаҳо тақчиноқлар, қўнда тўқилган тилваллар кўрсатилади. Ана шу осори атиқларини полиция участкаси биносидан олиб чиқавтган ўқтам қари жувоилар ким ошди саваттосида омади келган одамларга сира-сира ўхшашмас эди. Уларнинг юзюда қувончдан есар ҳам йўқ эди. Ҳамма гап шундаки, улар шў ерлик удабурон — найрағноб сарторшонининг гапларида лаққа тушишган эди. Сарторшо бадавлат аёлларнинг қўнгила йўл топиш билан бир қаторда у савъат асарларининг қадрига ҳам етар эди. Тўрт йил мобайнида у 30 миллион Белгия франки билан баҳоланаётган қўна савъат асарларининг аёлига ҳазинасига эга чиқиб қолди. Казо-казолар кирди-ган сарторшонга ақсининг уш чорроқ суратонага явланиб кетди. Бун қарагани, шу экспонатларнинг ҳаммаси сарторшонга миқоз бўлган аёллардан ўғрилган экан. Кўнгили бун хотин-қизлар билан улар сотиб олган зеб-зийнатлар ва асарлар ҳақида бағавтир гаплардан экан, уларнинг сўзларидан келтирилган ўғирлаб олиб, улардан хушхалар савъат олар эди. Сўнгра, ўз миқозларини олтишга кетишини билди, бунга пойлаб уларнинг уйига ўғирликка тушар эди.

СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР
БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН



«АЖРАЛИШ ОСОН,
ЯРАШИШ-ЧИ?»

24 май, 1989 йил.

«ГАЗЕТАНИНГИЗДА босилган «Ажралиш осон, ярашиш-чи?» мақоласини ўқиб, Бўна район ҳалқи сулида жамоат вакили Арап Чинозовнинг хайрли ишдан бениҳоя хурсанд бўлдим. Оилаларнинг муштажамланшига, ажралишлар сонини қисқартришга кенг жамоатчилик А. Чинозовдек ҳисса қўшса қандай соҳ бўлур эди.

Мен ҳам 1982 йилдан буён этнограф сифатида ўзбек миллий аъёнларининг ўрганаман, қузатув олиб бораман. Ўтган йилдан бери қишлоқ оилалари билан ақидан мулоқотдаман. Шунга кўра, менда ҳам айрим мулоқазалар бор, шуларни газетчи билан ўрдоқлашмоқчиман.

Хозирги даврда турмуш қураётган ёшлар ўзларидан бошқа ҳеч кимни ва ҳеч нарсага кўрмайдилар, ҳаёлларида фақат никоҳдан ўттич-у, висолга етиш фикри ҳукмрон. Оила қуришга, рўзгор тебратишга, хотин ёки эрининг инжиқликлари, қайнонанинг аччиқ-тизиқ (турмушда кўп учрайдиган ҳол) гапларига, рўзгорда бўладиган етишмовчиликларга таявирлар? Булар ҳақида, ҳатто, ўйлаб кўрмайдилар.

Никоҳдан ўттич учун ариза берган келган ёшлар билан суҳбат ўтказганда «ўзингиз хоҳлаб турмуш қиласизми, ҳеч ким мажбур этмайликми, қачондан бир-бирингизни биласиз?» синари саволлар билан муножаат қиламиз. Улар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашамиз. Бир ой ва ундан кўпроқ муддатга бир-бирларини синашга имкон берамиз. Қани энди шу билан турмуш қурган ёш оила тиниб-тиничиб кетса, Афсуски, айрим ҳолларда ёш оилалар теда ажралиб кетишади. Сабобини суриштирсангиз, аввало қиз-йигитнинг турмуш қуриш учун тайёр эмаслиги, ота-онанинг тер тўкиб қилган меъналари овозига олганга таяёр рўзгор буюмлари-ю, инжиқ-кечалар, тўй баъми ва ниҳоят, ўғилга таяёр уй қуриб бериш — булар ҳаммаси ҳар икки томонини ҳам ҳаётга енгил-елиқ қарашга ўргатади. Бундан ташқари, менимча, ҳозир баъзи йигитлар жуда «майдалашиб», баъканалашиб кетяпти. «Хотинига: сен онамга ундай дебсан, онасига: келиннингизга бундай дебсан» қабилда икки тарафининг галлини бир-бирларига етказишади. Рўзгор бошлиғи бўлган эркак ҳозир икки томон учун бир кўп мувозанатни сақлашади, «чақимчилик» қилишмаса, она «келиним ўғлимга айтмабди» ва «келиним ҳам «ойим гап талашганимизни ўғилларига айтмабдилар» деган фикр пайдо бўлса, ўртадаги совуқчилик у қадар чу-

қур илдиз отмайди. Ваҳоланки, оила қурган йигитлар мана шу оддий ҳақиқатни англаб етмайдилар.

Бизнинг «Ленин йўли» қишлоқ Советида 12 мингта яқин аҳоли яшайди, 14 маҳалла бор. Маҳалла активлари, депутатларимиз ёш оилаларнинг барқарор бўлиши учун ҳаракат қиладилар. Бу ўринда биз маҳалла оқсоқолларидан Умаров, Н. Анордулов, М. Мирзахмедов, И. Мирзахонимовларнинг фахрлини тилга оламиз. Улар яшайтган Чапаев, Шукрвали, Юқориниқул маҳаллаларида неча йилларки, ёшлар ўртасида ажралиш йўқ. Депутатларимиздан Д. Турсунматов, Қ. Эрназаров, М. Каримов, Ш. Комилваллар ёшлар ўртасида иш олоб боришда, оила масалаларида қишлоқ Советининг яқин маслаҳатчиси, ёрдамчиси ҳисобланадилар.

Оилада бўладиган жанжаллар, асосан, қайнона-келини ва айрим ҳоллардагина эр-хотин ўртасидаги майда-чуйда гапдан бошланади. Мени бир нарса ажаблантиради. Ёшлар бир-бирларини ёғиртиб турмуш қиладилар, ширин сўзлар айтилади, қудалар ўртасида ҳам. Лекин икки орада арзимас гап ўтса тамом — бир-бирларини ҳақорат қилишдан тортиб, то қўл кўтаришгача, юлиш ва тешиш ҳам етиб борадилар. Ёшлар бу ёқда қолиб, қуда-андоқ, амма-холларлар, тоға-аммакино, ака-укаларгача шу тўполоқ ичида...

Жамиятимиз биз аёлларга жуда катта ҳуқуқлар бериб қўйган. Шунга асосланиб, биз оилада айтганимиз-айтган, деганимиз-дегаң ақидасига амал қиламиз. Нега, нима учун биз, аёллар, қон-қонимизга сингиб кетган Шарқ аёли ибосини, ифратини, лафотини, лобарлигини, барнолигини, катталарга, шу жумладан, қайнота ва қайнона, турмуш ўртоғимизга бўлган ҳурматини унутиб қўямиз. Азиз қизлар! Турмуш қилишдан аввал ўйлаб кўринг, рўзгор тебратиш, оиладаги барча юмушларни бажариш қўлингиздан келадими?

Оналар! Бувижонлар! Менимча ажралишдан кўра ашаб кеттиш қийинроқ, фарзандларингизни шунга таявирлай олдингизми? Оиласидан арабалаб келган қизларнингизга нисбатан «тор қорнимга сиққан кенг уйимга синавсанми?» қабилда иш юртманд! Ота-онасиз гўдаклар сонининг кўпайишига йўл қўйман! Ахир, ўзингиз ҳам қизингизнингиздан кўра оғирроқ шароитларда бир этак фарзандини тарбиялаб, вояга етказган аёл эмасми?

Йигитлар! Сизлар, булажак оила бошлиғисиз, умр йўлдошингизнинг «су-

янган тоғи-ю, ишонган боғисиз». Оилани сақлаб қолиш асосан сизнинг қўлингизда, ахир, сиз эриксиз, жамият таянчисиз. Шунга таявирсангиз?

Халқимизда яқин бир гап бор. «Агар ўғил яқин тарбияли бўлса, оила муштажам бўлади, агар қиз яқин тарбия олган бўлса жамият муштажам бўлади».

Тоғжонисо АҲМЕДОВА, этнограф, Ўрта Чирчиқ райони «Ленин йўли» қишлоқ Совети раисининг муовини.

МАҚОЛАНИ ўқиб, бошимдан ўтган воқеалар ёдимга тушди. Балки мен ба- бир қилмоқчи бўлган воқеа кимлардир сабоқ бўлар, балки кимлардир боши де- ворга ўрилмасдан қўзини очиб қолар. Менинг айтганга гапларим маҳалла оқсоқолларига ҳам тааллуқли, деб ўй- лайман.

1982 йилнинг апрель ойида тўғимиз бўлди. Ширин ҳаёт кечира бошладик. Лекин уч йил фарзанд кўрмадик. Шун- да ҳам бир-биримизга сира айб қўйма- сак-да, тез-тез жанжал қийиб турарди. Оилада қайнона биринчи ўринда турар экан. Ниҳоят, иккаламиз ҳам врачлар- дан даво топиб, 1986 йилда ўғил кўр- дик. Қувончимиз чексиз. Туғуруқхона- дан чиққанмида кейин анча ўзимга келолмай қордим. Шу орада иккимиз ай- тишиб қолдик. Турмуш ўртоғимнинг қар- индошларидан бири унга ақл ўргатди: «Агар менга хотиним шундай гап қўй- тарганида ўнга боласи бўлса ҳам қўйиб юборардим». Шундан кейин турмуш ўр- тоғим мендан айб қидирадиган бўлиб қолди. Бир куни қўл ҳам кўтарди. Шун- да мен ниҳоятда ўйга толдим. Нима учун у менга тинчлик бермайди? Кеча- ларини эса ўғлим қийнайди. Ўзимни эса соғлигим ёмон. Қўларим яқин кўр- майди. Ниҳоят чидай олмадим, икки ой- лик боланим бағримга босиб ота-онам- нингига кетяман-у, ҳар хил хайдаман. Агар ҳозир ота-онам ҳайдаб юборишса қайёққа бораем. Яқиниш, қайтиб кели- ди, деган гапдан кўра ўзимни поезд та- гида ташласам-чи? Яна болага қарай- ман. У эса ширингина ухлаб ётибди. Болани яна қарайдим, у энди эмгис кел- ди. Шу пайтда ўзимни анча қўлга олдим — ота-онамнингига бориб ва не-че ил- тилар билан тўрт йилда топган фар- андимни вояга етказишга аҳд қилдим.

Фарзандим 7—8 ойлиғида менга сов- чилар чиқа бошлади. Мен эса ўғлим- нинг бошқа отаси бўлишини сира хоҳ- ламадим. Ёмон бўлса ҳам ўзининг ота- сида... Нисофга келишини кутдим. Бир йилгача бизни оила аъзоларимиз билан дилчимизни роса вайрон қилди. Судга берди. Икки йил деганда ўғлим учун уни кеңирдим. Суддан аризасини қайта- риш олдди. Фақат ўғлим учунгина ке- чирдим. Агар ҳаммасини айтсам қозғо- с етмайди. Мана ярашганимизга бир йил бўлди. Ҳозир қизчамиз ҳам бор. Яқин яшаляптим.

Мен айтмоқчиманки, биз ажралиб юрган икки йил ичида биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ҳатто қишлоқ Совети раисига қилган муножаатим ҳам фойда бермади. Юқимни олиб кетгани келганимда эса қишлоқ Совети раиси ўзини олиб қочди. Агарда Арап акадек исини бўлганида иш бошқача бўлиши ҳам мумкин эди. Яна айтманки, қай- нона оилада биринчи туради. Арзима- ган гапни ўғилга етказадиган айрим қай- ноналар ҳам кам эмас. Шунинг учун қайнона ўз ўғилда, кувё ўз ўғилда ту- риши керак. Шунда келинларга ҳам осон бўлади.

Наргиза ЙҮЛДОШБОВА, Янгиёул шаҳри.

«АЖРАЛИШ осон, ярашиш-чи?» сарлавҳали мақолани ўқидим-у, фикр- мулоҳазалар билан ўртоқлашганимиз лозим топдим. Мен йилдан-йилдан бунинг қўлларига катта бўлдим. Бувимизга беш келинлар бўлиб, ҳозир уларнинг тўрт нафари бирга яшади. Ҳамма келинларим ишлашади. Улар ишга ке- тишда ҳам, қайтишда ҳам бунингнинг ҳол-аҳволларидан хабар олишади, қў- нилларини сўрашади. Мабодо тоғларим келинларимга бирон нотўғри гап- риб, ёки қўполлик қилишса, буним кў- риб туриб уларни кўрмасликка олади- лар ёки ўша пайтда мулоғимлик билан насиҳат қиладилар, ёхуд чалғитиб гап- ни бошқа мавзуга буриб юборадилар. Кейин, албатта, улар билан алоҳида- алоҳида суҳбатлашадилар, тўғри насиҳат берадилар. Мен бу гаплар билан ола- рим, тенгдошларим ва сингилларимга айтмоқчиманки, бир оғиз ширин сўз- ингизни қайнонангиздан аямасангиз, ҳар қандай қайнона ҳам сизни ўз қиздан афзал қўради.

Тўғри, айрим кексаларга хозирги ёш- ларнинг баъзи гаплари ёки уларнинг юриш-туришлари ёқмайди. Худди, шунингдек, ёшларга кексаларнинг инжиқ- ликлари хуш келмайди. Шунинг унутмас- лик керакин, биз ҳам келанадан кексамиз, келили бўлаемиз. Шунинг учун ке- ксаларнинг баъзи инжиқликларини кў- таришга тўғри келади. Агар сиз яқин сўзингизни аямасангиз, қайси инсон сиз- ни ёмонсан дейди. Қайси қайнона ме- нинг келиним одобли, ақлли, меҳнатсе- вар, чаққон деб маҳалла-қўй олдидан кў- раб кериб юришни истамайди. Бир сўз билан айтганда, қайнона-келини ўр- тасида муносабатнинг яқини-ёмони бўлиши кўпроқ келинларга боғлиқ.

Энди оиланинг бузилишида эркак- ларнинг айбн хусусида баъзи фикрлар- ни билдирмоқчиман. Муҳаббат бор жойда рашк ҳам бўлади. Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бўлиши керак. Баъ- зи ҳолларда йигитлар хотинларини ҳи- моят қилиб, оналарига қаттиқроқ гап- лар қўядилар. Бунда оналар ўғилла- ридан кўра кўпроқ келинларидан ҳафа бўлишади. Баъзи қайноналар келинла- рига булар-бўлмасга танабҳ беравера- дилар. Келин эса хайрон, ундай қилса ҳам, бундай қилса ҳам ёмон кўриниб, гап эшитаверади. Шунинг учун йигит- лар ҳимоя қила биллишлари ҳам зарур, икки томонни ахтиёглик билан бара- вар тутишлари керак. Ана шундангина оила муштажам бўлиши мумкин!

Рашид ЙҮЛДОШЕВ, Низомий номида Тошкент Давлат пе- дагогика институтининг битирув- чиси.

МАҚОЛАНИ ўқидим, кўз ўғимига С. Раҳимов район ҳалқи судининг судья- си Мўътабар Хошимова гавдаланди. Бу судья ҳам Арап Чинозовдек оилани муштажамлиги, уни сақлаб қо- лиш учун астойдил ҳаракат қиладди. Кўп йиллар М. Хошимова раислиғида қўриладиган ишларда маслаҳатчини бў- либ қатнашганман. Шу сабаб бўлса ке- рак, менда ҳам оиланинг муштажам бў- лиши ҳақида айрим мулоҳазалар бор. Турмуш қурадиган йигит ва қиз кам- да икки-уч ой синашга бўлгани маъ- қул. Бу даврда улар бир-бирларини озорқ бўлса-да, билиб оладилар: гап-сў- зи юриш-туриши, одоби ва хоказо. Тўй ўтгач эса, ёшларнинг оила буже- ти у қадар «бақувват» бўлмайди. Ке- лин ҳали уни олиб бериш, ҳали буни олиб бериш давриши ҳам яхшиликка олиб келмайди...

Абдулла ТОЛИПОВ, Янги турмуш маҳалласи.

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 ИЮЛГАЧА

Лариса СЕРБИНОВИЧнинг

«ҒАРОЙИБ ТОМОША»

деб номланган

ГАСТРОЛЛАРИ

Экспериментлардан бири «АФСУНСИЗ АФСУНГАР- ЛИК», «ҒАРОЙИБТОСИЗ ҒАРОЙИБТОЛАР» дир.

Л. СЕРБИНОВИЧ — мамлакатимизда тажрибалир олиб бораётган кам сонли ижроичилардан ҳисобланади.

У факулдада ажойиб қобилият эгаси бўлиб, энг му- раккаб фикрий буйруқларини ҳам аниқ ва беҳато амалга ошириш қудратига эга:

- чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш син- гари зарарли одатларни тарқ етиш;
- дудуқлишни, ваҳима касалидан даволаш;
- яқини ухлатиш;
- руҳий изтиробдан қутулиш;
- тажрибалир ўтказиш ва уларнинг киши кайфиятига таъсири.

Ҳамма тажрибалир томошабинларнинг бевосита иш- тироқига амалга оширилади.

ТОМОШАЛАР: иш кунлари соат 19.00 да; шанба ва яқшанба кунлари — соат 16, 19.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очил.

Коллектив бўлиб тутиш учун буюртмалар қабул қи- линади.

Маълумотлари қўйиладиган телефонлар орқали олмиш мумкин: 44-28-04, 44-35-91, 44-35-84.

АСКИЯ ВА КУЛГИ ШАЙДОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИЙҮЛ ШАҲАР МАДАНИЯТ УПИ

МАЪМУРИЯТИ

аскиячи ва қизқичлар

КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда қатнашишни хоҳловчилар маданият уйи бадий раҳбарига урашишлари лозим.

Конкурс муддати — 30 июлгача.

Муножаат учун телефонлар: 7-35-69, 7-35-70.

Конкурс ғолиблари мукофотлар билан тақдирланадилар.

ДИҚҚАТ!

ЮҚОРИ БОСИМЛИ КАМ

ОЛТИНГУТУРТЛИ МА-

ГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРИ

Сизнинг районингиз тер-

риторияси бўйлаб умумдав-

лат аҳамиятига эга бўлган

қимматбахо нишоот —

«Шўртан-Сирдарё, Тошкент

ва Янги Ангрн ГРЭСи» кам

олтингугуртли магистраль

газ қувури трассаси ўтган.



Юқори босимли магистраль газ қувури ёнги қишиш ва портлаш хавфи бўлган объект ҳисобланади. Бу газ қу- вури бўйлаб транспортровка қилинаётган кам олтингу- туртли газ хавфли захарловчи хоссаларга эгадир.

Хавфсизлик мақсадларида газ қувурининг муҳофаза зонасида (унинг ҳар икки томони бўйлаб 500 метрлик масофада).

ҚУЙДАГИЛАР ҚАТБИЙ МАН ҚИЛИНАДИ:

— Бирон-бир иморатлар қуриш, дала шийповлари, га- лада хирмонлари ва заправка пунктларини жойлаштириш, ҳайвонлар суғориладиган сувлоқлар ва қўралар ташкил қилиш, силос сақланадиган чуқурлар қазитиш, личан га- рамлаш, пахтани қуриштиш ва сақлаш учун майдончалар қилиш, қум-шағал ва бошқа қарверлар барпо этиш, ахлат тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалик чиққатларини ёқиш, одамлар, ҳайвонлар, техника ва бошқа моддий бойликлар- нинг тўпланишига йўл қўйиш.

Газ қувурининг муҳофаза зонасида олиб бориладиган қишлоқ хўжалик ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, газ қувурининг муҳофаза зонасига туташидиган ҳар қандай нишоотлар қурилишини лойиҳалаштириш, унинг бир- бир коммуналциялар билан келишиш фақат «Ўзбек- трансгаз» бошқармаси билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан белгиланган техникавий шароит- ларда бажарилиши керак.

«ЎЗБЕКТРАНСГАЗ» БОШҚАРМАСИНИНГ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогика кўчаси, 31 «а» уй. Те- лефонлар: 56-38-07, 56-40-18.

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН!

ЮҚОРИДА АЙТИЛГАН ҚОЙДАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ — СИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИ- ГИНГИЗ ГАРОВИДИР!

«ЎЗБЕКТРАНСГАЗ» МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУ- ВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИҒОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» нинг «Ташстройтранс» трайспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«БЕЛА3-548 А», «КРАЗ- 256» принципли автомобил- ларда ишлаш учун «В, С, Е» категориядаги ҳайдовчилар

КЕРАК

Оилали кишилар навбатга турши тартибга кўра квар- тира билан, ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминлана- дилар.

Муножаат учун адрес: На- риманов шаҳри, Лихачев кў- часи, 2-уй (171, 183-авто- бусларнинг «9-Автобаза» бе- нати; 15, 68-автобусларнинг «Кўйлик» бекати).

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

МОСКВАДАН ХАТ

ТАВСИЯЛАР
КИТОБИГА КИРИТИЛДИ

ХАЛҚ хўжалигининг бар- ча тармоқи ва жаҳонали нор- мал фаолиятини таъминлаш- да энергетика комплексининг муқим ишлаш роли беъи- дир. Унинг муқим ишлаши учун эса электр ва иссиқлик узатиш ҳамда таъсирлагич линияларни, электростанция- лар машина ва механизмла- рини галдаги, шунингдек ка- питал ремонтини ўз вақтида оператив бажаришга эъти- борни кучайтириш даркор. Шу муносабат билан СССР Энергетика министрлиги му- тахассислари яқинда ушбу тармоқда энергетика жиҳоз- ларини ремонт қилиш учун ишлаб чиқарилаётган махсу- лотларнинг техник-иқтисо- дий даражасини анализ қи- лдилар. Ана шу махсулотлар- нинг энг яқинлари ҳаракат- даги ҳамда янги ташкил эти- лаётган корхоналарда қўлла- ниш учун «Информэнегро- зинг» тавсиялар каталогига киритилди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги «Центр- азэнегроремонт» ишлаб чи- қариш корхонасида трубаулар четини пайвандаш учун иш- лола берувчи қўрилма ҳам бор.

А. ЛЕГКИН.

Навбатдаги қабул

«Тошкент ҳақиқати» газе- та редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навба- даги қабули эртга — 20 июль пайшанба кун соат 17.00 дан бошлаб ўткази- лди. Бу сафар меҳнатқашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, юрист Абдужалл Хасанов қабул қилди.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси Ленинград кў- часи, 32-уй, 7-дават, 742-хо- нага жойлашган. Телефон- лар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИ- ҚАТИ ЖАМОАТЧИ- ЛИК СОВЕТИ ҚАБУЛ- ХОНАСИ.



ПОИТАХТИМИЗДА ўтди. Унда завод маъмурия- ги чини заводда турли турнинг «Чинингўл» ҳамда хил тадбирлар, касб эгалари гул тушириш цехининг «Еш- ўртасида конкурслар ўтказиш лик» командаларни иштирок аънава тусига кириб қолди. эътиҳди. Конкурс қатнашчи- Яқинда бу ерда ана шундай лари заводдаги муаммолар конкурслардан бири бўлиб ҳамда нуқсонларни ҳазил та-

риқасида ўткир таъқид ости- га олдилар. Зукколар баҳси- га гул тушириш цехи кол- лективни ғолиб қийди. Суратда: «Қуввоқлар ва зукколар» конкурси. Суратчи М. НАЗАРОВ.

• Булар сиздан миннатдор

ТАШАККУР

Хонобод қишлоғидаги Ак- мал Икромов номи маҳал- лада 200 урилли касалхона, бир смена давомида 360 бе- морга хизмат кўрсатадиган поликлиника қад кўтаргани- га унчаллик кўп бўлгани йўқ. Аммо уларнинг моддий ба- засини муштажамлаш, мала- кали кадрлар билан таъмин- лаш борасида сезиларли иш- лар қилинди. Бу даволаш муассасаларида шифокор- лар, ҳамширалар энг аввало беморларга ширинсуханлик- лари билан ҳурмат топмоқ- далар.

— Уларга шундай муно- сабатда бўлиш бизнинг би- ринчи галдаги муқаддас бур- чимиз. — дейди касалхона бош врач Эдвард Леонович Аю- пов. — Самимий муомала ва аниқ муолажагина беморни оёққа тургазади.

Касалхонада жарроҳлик бўлими бошлиғи Анатолий Карпов, қўли енгил шифокор Олег Қойлардан кўпчилик миннатдор. Ким билан суҳ-

батлашманг бу нажоткорлар- га раҳмат дейди. Улар ши- фохонага оғир аҳволда кел- тирилган. Умаржон Исмои- лов, Николай Пакларини дарддан халос этдилар.

Шифохона асаб касалли- лари бўлими мудири Рустам Ибраевдан ҳам беморлар миннатдор. У хоҳ каттага, хоҳ кичикка баробар, Улуг Ватан уруши инвалиди Сал- им Шерматов, Пўлат Мўми- новлар ана шу врачнинг меҳ- рибонлиги туфайли йиллар давомида қийнаб келган кас- салликдан қутулдилар.

Кексалар поликлиника- да хизмат қилаётган Нази- ра Юсупова, Зулфия Ашу- ровна каби халоскорларга ҳам доимо раҳмат деб кела- дилар.

Бу шифокорларнинг хам- масига мен ҳам ташаккур айтаман. Эл бахтига омон бўлинглар, дейман.

Ф. МУҲИДИНОВ, Улуг Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Кал- ини райони.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА
ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТАХОНЛАР! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давоми эътиҳда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишини унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жа- моатчи матбуот тарғибуотчиларга муножаат қилсангиз бў- лади. Улар Сизни келаси йил матбуотни учун обуна қили- б қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекламанган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАХОСИ бир йилга — 7 с